

Унинг тикани юлинмайди, ови ҳуркитилмайди,... | Сийрат дарслари (294- дарс)



19:00 / 09.08.2024 2278

473. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга Қадр кечаси ҳақида хабар бериш учун чиқдилар. Шунда мусулмонлардан икки киши низолашиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Сизларга хабар бергани чиққан эдим. Аммо фалончи ва пистончи низолашиб қолишди. Шунинг учун уни тўққизинчи, еттинчи ва бешинчида изланглар»**.

Бухорий ривоят қилган.

474. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мана бу кунлардан кўра Аллоҳ учун солиҳ амал сеvimли бошқа кунлар йўқ»**, дедилар. Яъни, (зулҳижжанинг биринчи) ўн кунлиги. «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳамми?» дейишди. **«Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳам. Фақат жонию моли билан чиқиб, бирор нарса ила қайтмаган киши мустасно»**, дедилар».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

475. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Арафа кунчалик Аллоҳ бандани дўзахдан кўпроқ озод қиладиган кун йўқдир. Албатта, У зот яқинлашиб келади ва улар билан фаришталар олдида фахрланиб: «Анавилар нимани хоҳлашяпти?» дейди»**.

Муслим ривоят қилган.

476. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менинг масжидимдаги бир намоз ундан бошқасидаги мингта намоздан яхшидир. Фақат Масжидул Ҳаромгина бундан мустасно»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

477. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккани фатҳ қилган кунлари: **«Ҳижрат қилиш йўқ, лекин жиҳод ва ният бор. Қачонки урушга чиқишга чақирилсангиз, чиқинг! Дарҳақиқат, бу Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратган кунда ҳарам қилган шаҳардир ва у Аллоҳнинг ҳарам қилиши ила қиёмат кунигача ҳарамдир. Албатта, унинг ичида уруш қилиш мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинган эмас. Менга ҳам куннинг бир муддатидагина ҳалол қилинган, холос. Бас, у Аллоҳнинг ҳарам қилиши ила қиёмат кунигача ҳарамдир. Унинг тикани юлинмайди, ови ҳуркитилмайди, топилмасини уни эълон қилган кишидан бошқаси олмайди ва унинг ўсимликлари юлинмайди»**, дедилар. Аббос: «Эй Аллоҳнинг Расули, изхир мустасно (денг), чунки у (Макканинг) темирчилари ва уйлари учун (керак)», деди. У зот: **«Изхир мустасно»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.